

**ЛОЙИҲА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ
ВА ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА
ШАРТНОМА № 08/23-ЛСХ**

2022 йил “13” апрель

Тошкент шаҳри.

“Ўрмонқурилиш” давлат унитар корхонаси (қуйидаги матнларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан корхона Низоми асосида иш юритувчи унинг директори **Сафаров Бобоқул Бердиёрович** бир томондан ва “NEW MILLENNIUM PROJECT” маъсулияти чекланган жамияти (қуйида матнларда «Лойиҳачи» деб юритилади) номидан жамиятнинг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари **Зокиров Фаррух Салимович** иккинчи томондан, “Оқдарё” давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудуғини қуриш (объект номи) объектида лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаб бериш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказишга доир мазкур шартномани имзолادилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. “Лойиҳачи” мазкур шартнома шартларига кўра “Оқдарё” давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудуғини қуриш (объект номи) объектида лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаб бериш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича “Лойиҳачи” томонидан бажариладиган лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш ишларини харид қилиш комиссиясининг 08.04.2022 йилдаги № 60868 лот рақамли баённомага асосан барча солиқлар (шу жумладан, ҚҚС) билан қиймати **9 500 000 (тўққиз миллион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- лойиҳа қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг лойиҳалаштириш ишлари бўнак маблағларни олган кундан бошлаб бир ойдан ортиққа ўзайтирилганда.

5. Лойиҳалаштириш ишларининг муддати бир ойдан ортиқ бўлганда иккинчи ойга шартномавий нархларни аниқлаштириш амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва ўзгартирилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” билан “Лойиҳачи” ўртасидаги шартномага қўшимча шартнома билан расмийлаштирилади.

3. ЛОЙИҲАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома имзоланган кундан эътиборан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари ва ёки жалб қилинадиган қучлар билан тасдиқланган ҚМҚ қоида ва қулланмалар ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади. Буюртмачининг бўлим бошлиғи билан бажариладиган иш босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар ҳақида бўлим бошлиғига ахборот тақдим қилади.

8. Буюртмачининг руҳсатсиз ишларни бажариш учун учинчи шахсга бермайди.

4. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

– мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун бирламчи, руҳсат берувчи хужжатларни тайёрлашда «Лойиҳачи»га ёрдам бериш;

– ишлар бажарилиши устидан доимий назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган «Лойиҳачи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Лойиҳачи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлайди.

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

10. Шартнома:

- миллий валюта ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;
- кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин қучга қиради.

11. Танлов савдолари натижаси бўйича лойиҳани топшириш муддати **5- кун (иш куни)**.

6. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.

12. Буюртмачи Лойиҳачига шартнома бўйича ишларни умумий, шартномавий-жорий қийматининг **30** фоизи миқдоридан бундан (аванс) маблағини ўтказиб беради. Яқиний қолган **70** фоиз маблағларни лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш ишлари буюртмачига тўлиқ топширилгандан кейин амалга оширади.

13. “Буюртмачи” томонидан “Лойиҳачи”га аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвал (1 ва 2 - илова)лари асос ҳисобланади.

14. “Лойиҳачи” лойиҳани фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар лойиҳанинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи “Лойиҳачи”нинг зиммасида бўлади.

15. Шартномани амал қилиш муддати шартнома имзоланган кундан эътиборан 2022 йил “30” декабрь кунига қадар.

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

16. “Буюртмачи” бажариладиган ишларга мутахассис тайинлайди. Мутахассис бажариладиган ишлар босқичларини келишади, лойиҳачи бажарилаётган ишлар ҳақида ахборот такдим қилади.

– мутахассис “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, “Лойиҳачи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8 . ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (форс-мажор) ҲОЛАТЛАРИ.

17. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

18. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

19. Агар томонлар бир ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

9. КАФОЛАТЛАР.

20. Лойиҳачи, барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди.

10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

21. “Буюртмачи” қуйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама, “Лойиҳачи”ни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эга:

-шартнома кучга киргандан кейин лойиҳалаштириш ишларининг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Лойиҳачи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Лойиҳачи”нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, “Лойиҳачи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

-“Лойиҳачи” томонидан шартнома шартларига кўра тасдиқланган ШНК ва ҚМҚ нормалари ва қулланмаларига риоя қилмасдан лойиҳа ишлари қилинганда.

Бундан ташқари, “Буюртмачи” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

22. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунчилигига мувофиқ иккинчи томонга асосланган ваъдаларни келтириб ёзма билдиришнома юборади.

23. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

24. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда:

- айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

25. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, давлат бюджети томонидан берилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Лойхачи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

26. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун «Буюртмачи» «Лойхачи»га ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

27. «Лойхачи» смета-ҳужжатларини ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. «Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Лойхачи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш «Лойхачи»ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

28. Агар бажарилган ишлар иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, «Лойхачи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

29. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бой берилган фойдадан ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

30. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

12. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

31. Шартномани бажариш ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар узаро оғзаки ёки ёзма равишдаги мулоқотлар орқали ҳал этмаса белгиланган тартибда Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

13. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

32. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ҳазначилиги рўйхатидан ўтказилган қундан бошлаб 2022 йилнинг 30 май қунигача амал қилади

33. «Лойхачи» лойихага ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

34. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

35. «Буюртмачи» билан «Лойхачи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

“БУЮРТМАЧИ” “ЎРМОНҚУРИЛИШ” ДУК

Манзил: 100126, Тошкент шаҳри. М.Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 2-А уй. Тел: (97) 462-72-00,

Молия вазирлиги Ғазначилиги

Х/р 23 402 000 300 100 001 010

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар ҲККМ

МФО: 00 014, **ИНН:** 305 638 958

Шхв: 100010860262947049801142058

“ЛОЙИҲАЧИ” «New Millennium Project» МЧЖ

Юридик манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек т. Корасув 4-мавзей 2/1-уй;

Банк номи: «Турон банк» Юнусобод ф-ли

Х/Р : 2020 8000 905 098 021 001

МФО: 01144 **ИНН:** 306 524 126

ОКОНХ: 41100

Телефон: 99 908 3003 , 90 134 6807

Директор  **Б.Б.Сафаров**



Директор:  **Ф.С. Зокиров**




ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома (Контракт) даги тарафларнинг муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Бюджет кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонун талаби билан тартибга келтирилади. Шартнома (контракт) шартлари ва тўлов тартиби, томонларнинг жавобгарлик меъёрлари ҳамда низоларни ҳал қилиш тартиби амалдаги қонун нормаларига мос келади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонуннинг 21-моддаси тартибида ушбу тузилаётган шартнома (контракт) лойиҳасини кейинчалик тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолаш ва томонлар ўз мажбуриятларини ижро этишлари учун тавсия этаман.

Бунда тарафлар солиқ қонунчилигига ва банк амалиётини белгиланган тартибда бажаришлари ҳамда бюджет ва шартнома интизомига амал қилишлари тавсия этилади.

Бош юрисконсулт:



А.Бозоров

БАЁННОМА

ШАРТНОМАВИЙ НАРХНИ КЕЛИШИЛГАНЛИГИ ХАҚИДА.

Объект номи

Шартнома № 08/23-ЛСХ “13” апрель 2022 йил.

Биз қуйидагилар «Буюртмачи» Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, «Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонаси директори Б.Сафаров, «Лойихачи» номидан «NEW MILLENNIUM PROJECT» маъсулияти чекланган жамияти раҳбари **Зокиров Фаррух Салимович** гувоҳлик берамизки томонларнинг юқоридаги ишларни бажаришни шартномавий нархининг умумий миқдори:

9 500 000 (тўққиз миллион беш юз минг)сўм ҚҚС билан.

Ушбу баённома узаро муносабатларда ҳисоб-китоблар ҳамда туловлар учун «Буюртмачи» ва «Лойихачи»га асос ҳисобланади.

“БУЮРТМАЧИ”

Директор  **Б.Сафаров**



“ЛОЙИХАЧИ”

Директор:  **Ф.С. Зокиров**



Бажариладиган ишларнинг тақвимли режаси

Лойиҳанинг номи: "Оқдарё" давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудуғини қуриш

№	Ишнинг тури	ишлар бошланиши ой, йил	муддатлари	Ҳисобий баҳоси (сўм)
			Тугаши ой, йил	
1	2	3	4	5
1.	"Оқдарё" давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудуғини қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш	Аванс олинган кундан бошлаб	Аванс олингандан сунг, 5 кун иш қуни	9 500 000 (тўққиз миллион беш юз минг)сўм ҚҚС билан.

Эслатма: Бажарувчи ишларнинг бошланиши ва тугалланиш муддатларини шартноманинг имзоланиши ҳамда ҳисоб рақамига аванснинг келиб тушишига қараб ўзгартириш ҳуқуқини ўз зиммасида қолдиради.

“БУЮРТМАЧИ”

“ЛОЙИҲАЧИ”

Директор  Б.Сафаров



Директор:  Ф.С. Зокиров



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

“Ўрмонқурилиш” ДУК

директори

Б.Б Сафаров

2022 йил “13” апрель



**“Ўрмонқурилиш” ДУК томонидан Самарқанд вилояти “Оқдарё”
давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудуғини қуриш бўйича
танлов комиссияси йиғилишининг 2-сонли
БАЁННОМАСИ**

2022 йил “13” апрель

Тошкент ш.

ҚАТНАШДИЛАР:

У.Маматов	Умумий ишлар бўйича директор ўринбосари-танлов комиссия раиси
И.Наматов	Мухандис- танлов комиссия аъзоси
Ш.Исламов	Қурилиш-пудрат ишлари ва уларнинг лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи
У.Абдилакимов	Бош мутахассис танлов комиссия аъзоси
С.Шермухамедов	Бош мутахассиси танлов комиссияси котиби

КУН ТАРТИБИ:

**“Ўрмонқурилиш” ДУК томонидан Самарқанд вилояти “Оқдарё”
давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудуғини қуриш бўйича
муҳокамага жойлаштириш**

(Сафаров, Маматов, Наматов, Исламов, Абдилакимов, Шермухаммедов... Сафаров)

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия аъзоси - директор ўринбосари У.Маматов сўзга чиқиб, Самарқанд вилояти “Оқдарё” давлат ўрмон хўжалигида суғориш қудуғини қуриш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, объектни etender.uzex.uz сайтида 14 820 000 сўмга 60868-сонли лот рақами берилганлиги маълум қилди. Тақдим этилган учта корхона таклифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Қурилиш-пудрат ишлари ва уларнинг лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи Ш.Исламов ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъий риоя қилиш бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 60868-сонли лот иштирокчилари билан аффилиланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига кўра, иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси мазкур 60868-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Муҳокамага кўйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz саҳифаси орқали текширилди.

Лойиҳачи ташкилотлар томонидан берилган таклифлар (нархлар, баллар) куйидагича белгиланган:

№	Иштирокчи номи	Таклиф этилаётган нарх	Балл
1	ООО "SILVER RAIN PROJECT"	12 500 000	76.5
2	ООО "NEW MILLENNIUM PROJECT"	9 300 000	90.0
3	O'RMONLOYIHA LOYIHALASH INSTITUTI	-	-
4	ООО KESH GRAND GROUP	-	-

Комиссия аъзоларининг хулосасига кўра **ООО "SILVER RAIN PROJECT", O'RMONLOYIHA LOYIHALASH INSTITUTI** ва **ООО KESH GRAND GROUP** корхонаси томонидан таклиф қилган нархлар энг паст деб топилди.

Комиссия қарор қилади:


1. Самарқанд вилояти "Оқдарё" давлат ўрмон хўжалигида суғориш кудуғини қуриш бўйича **ООО "NEW MILLENNIUM PROJECT"** корхонаси томонидан берилган таклифи бир овоздан мақуullanсин.

2. **ООО "NEW MILLENNIUM PROJECT"** танлов ғолиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувофиқ деб белгилансин.

Ушбу баённома ижросини назорат қилиш ҳамда амалга ошириш корхонанинг Қурилиш-пудрат ишлари ва уларнинг лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи Ш.Исламов зиммасига юклатилсин.


Танлов комиссияси аъзолари:

У.Маматов




Умумий ишлар бўйича директор
ўринбосари-танлов комиссия раиси

И.Наматов




Мухандис- танлов комиссия аъзоси

Ш.Исламов




Қурилиш-пудрат ишлари ва уларнинг
лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи,
танлов комиссия аъзоси

У.Абдилакимов



Бош мутахассис танлов комиссия
аъзоси

С.Шермухамедов



Бош мутахассиси танлов комиссияси
котиби